



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

" 02 " April 20 21 y

Yaypan shahri 233 sonli

Танловда ғалиб чиққан Шодлик МФЙ Юксалиш кўчасида 55-уйда яшовчи фуқаро Махмуджонов Зафаржон Тўхтасиновичга Ғаниобод ММТП худудидан пахтачилик-ғаллачилик йўналишида ижарада фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисида

Такдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6 ва 53-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашининг 2021 йил 25 мартдаги 148/23-6-сонли қарори тасдиқлансин.

2. Туман захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш танлов комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондига қарашли ер майдонларидан Шодлик МФЙ Юксалиш кўчаси 55-уйда яшовчи фуқаро Махмуджонов Зафаржон Тўхтасиновичга пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун узок муддатли ижарада фойдаланишга ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисидаги 2021 йил 9 март кунги йиғилиш баёни тасдиқлансин.

3. Фуқаро Махмуджонов Зафаржон Тўхтасиновичга "Ғаниобод" ММТП худуди ер харитасининг № 800-802-803-835-контурлардаги жами: 32.72 гектар шундан: 31.20 гектар экин ер майдони, 0.38 гектар йўллар, 1.14 гектар арик-зовурлардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида фермер хўжалиги ташкил этиш учун фуқаро Махмуджонов Зафаржон Тўхтасиновичга 49 йил узок муддатли ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

4. Фуқаро Махмуджонов Зафаржон Тўхтасиновичга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилган ер майдонларидаги ноқонуний ҳолатларни бартараф этиш ҳамда ҳукукий хужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман кадастр агентлиги бўлим бошлиғи (А.Ражабов)га, туман Статистика бўлими бошлиғи (О.Абдуллаев)га, туман Давлат Солик инспекцияси бошлиғи (Ж.Кўчқоров)га, "Давлат хизматлари маркази" бошлиғи (М.Джўраев)ларга: -ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда давлат реестрларига ва ҳисоботларга амалдаги тартиблар асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Эшонкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Ш.Юлдашев



**XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI
QARORI**

2021 yil " 25 " mart

148/23-6-son

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги фермер хўжаликларига ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалалари кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг туман захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссиясининг йиғилиш баёнларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер Кодекси", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер хўжалиги ер майдонини макбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 22-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини макбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон қарори) 2016 йил 10 февралдаги 34-сонли қарорининг 1-бандига асосан "Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ушбу қарор туман ҳокимига юборади"-деб кўрсатилганлигини инобатга олиб халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги фермер хўжаликларига ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг хулосалари асос учун қабул қилинсин.

2. Ғаниобод ММТП ҳудуди ер харитасининг № 800-802-803-835-контурлардаги жами: 32.72 га шундан, 31.20 гектар экин ер майдони, 1.14 га ариқ ва зовурлар, 0.38 га йўллардан иборат ер майдонларида пахта-ғаллачилик йўналишида ўтказилган туман танлов комиссиясининг якуний натижаларига асосан қуйидаги: фуқаро Махмуджонов Зафаржон Тўхтасинович танлов ғолиби деб топилсин.

Кенгаш раиси ўринбосари



М.Салимов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI
HUZURIDAGI
KADASTR AGENTLIGI
FARG'ONA VILOYATI
BOSHIQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN BO'LIMI



CADASTRE AGENCY UNDER
THE STATE TAX COMMITTEE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
FERGANA REGION DEPARTMENT
UZBEKISTAN DISTRICT
DEPARTMENT

Yaypan sh. A.Navoiy k.si.
Tel/faks: (373) 53-92-361

info@uzbekistonkadastr.uz

Яйпан ш. А.Навоий к.си
Тел/факс: (373) 53-92-361

« 10 » 03 2021 йил

07-04-159 -сон

Халқ депутатлари Ўзбекистон
туман Кенгашига

Ганиобод ММТП худуди ер харитасининг № 800-802-803-835-
контурларнинг жами 32,72 гектар, шундан 31,20 гектар экин майдони, 1,14
гектар арик-зовур, 0,38 га йўллардан иборат майдонларини пахта-ғалла
йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ўтказилган танлов якунига кўра
Махмуджонов Зафаржон Тухтасинович танлов ғолиби деб топилсин.

Шунга кўра, тўпланган барча хужжатлар (фермер хўжалиги рахбари)
3.Махмуджоновнинг 28.10.2020 йил № 1380-сонли аризаси ҳамда туман
хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалалари билан шуғулланувчи камиссиянинг 09.03.2021-йилдаги
хулосаси) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 30.10.2003
йилги 476-сонли қарорига асосан кўриб чиқиш учун Халқ Депутатлари
Ўзбекистон туман кенгашига юборилди

Иловада: тўпланган барча хужжатлар " _____ " варақда

Кадастр агентлиги туман
бўлим бошлиғи:

А.Ражабов

**Ўзбекистон туманида туман захирасига олинган ер майдонларида
танлов асосида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва
танлов комиссиясининг йиғилиш
Б А Ё Н И**

09.03.2021 йил

Яйпан шаҳри

1. Раислик этувчи: Ш.Эшонқулов - туман ҳокими ўринбосари -туман фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссияси раиси.

Йиғилишга қатнашдилар:

2. А.Ражабов – Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи комиссия котиби

**3. Ф.Пахридинов – Туман Қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи
Аъзолари:**

4. О.Воҳобов - туман қурилиш бўлими бошлиғи

5. А.Маликов -“Исфара-Сирдарё” ирригация тизими туман сув бўлими бошлиғи

6. Ғ.Хамрақулов – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон туман инспекцияси бошлиғи

7. Ю.Иргашев – туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

8. О.Абдуллаев – туман Статистика бўлими бошлиғи

9. И.Хамрақулов- Агрокимийехимоя туман филияли раҳбари .

10. А.Сулаймонов - туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врач.

11. Э.Қодиров - Кадастр агентлигининг туман бўлими мутахассиси

12. И.Мелиев – Ғаниобод Мадад ММТП раиси

13. З.Маҳмуджонов – фуқаро

Шунингдек йиғилишга таклиф этилди:

КУН ТАРТИБИДА:

Туман захирасига олинган ер участка-майдонларида танлов асосида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан туман ҳокими, фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссияси раиси сўз олиб, фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш ер участка хажмларини мақбуллаштириш тўғрисидаги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиш баёни қарорига асосан туманда ўтказилаётган мақбуллаштириш натижасида фермер хўжаликларнинг таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан бўлган қарзларини қисқартириш, қишлоқ хўжалиги экинларини самарали жойлаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинганда бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги тўғрисида гапириб ўтди.

Юқорида қайд этиб ўтилган салбий ҳолатларни зудлик билан бартараф этиш, 2021 йил ҳосилига пухта замин яратиш, мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёнида берилган.

Вазифалар ижросини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478-сонли фармонларини бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 9 январдаги № 14-сонли қарорига асосан фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида, фермер хўжаликларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, фермерларни ерни ҳаққоний эгаси сифатида ҳолис ва ошқора танлаб олиш, шу асосида ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгувсида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажмларини кўпайтириш, хўжаликларни молиявий аҳолини ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ўсишини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида туман захирасига қайтарилган ер майдонларида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ёки фаолиятдаги фермер хўжаликларга қўшиб бериш борасида туман танлов комиссияси йиғилишини **Халқ депутатлари** туман **Кенгашининг депутатлари** иштирокида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг, танлов комиссияси котиби, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовнинг туман захирасига қайтарилган ва навбатдаги танловга эълон берилган ер участка майдонларига фуқаролар томонидан ушбу ер участка-майдонларида **янгитдан** фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида туман ҳокими, фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссияси раиси номига аризалар билан мурожаат қилинганлиги ва амалдаги тартибда рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Шунингдек, танлов комиссияси раиси ўринбосари томонидан танлов комиссиясининг барча аъзолари танлов талабларига тўлиқ риоя этиш ҳамда масъулият билан ёндашиш тўғрисида огохлантирилди.

Шундан сўнг, комиссия котиби А.Ражабов томонидан танловга қўйилган экин ери участка-майдонлари лойихасига талабгор фуқароларни рўйхатини барча комиссия аъзоларига тарқатди. Хар бир талабгор комиссия аъзолари олдида чиқиб, аввалом бор ўзини таништириб, туманда ўтказилаётган мақбуллаштириш моҳияти тўғрисида ва танлов ғолиби бўлса фермер хўжалигинини юритишда нималарга эътибор бериши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг, комиссия котиби томонидан талабгорлар комиссия аъзолари ҳузурига таклиф этиб, ҳужжатлари билан таништирилди ва тақдим этилган ҳужжатлар, кўрсаткичлар, берилган савол-жавоблар ҳамда хар бир комиссия аъзосининг талабгорга қўйган баҳолари асосида натижаларни қайд этиб борилди.

Ганиобод ММТП ҳудудидаги туман захирасидаги ер майдонидан **пахтачилик-ғаллачилик** йўналишидаги ер майдонларини 1-лойихасига қўйилган 800-802-803-835-контурлардаги жами 32,72 шундан 31,20 экин ери майдонларида ўтказилган тендер натижаларига кўра фуқаро Қўчқоров Муроджон ғолиб деб топилди талабгор фуқароларнинг **танлов натижалари:**

1) **Махмуджонов Зафаржон Тўхтасинович** 1983 йил ёши 38, малумоти - 5 балл, иш стаж - 5 балл, мутахассислиги - 7 балл, бизнес режа - 10 балл, техника -10 балл, **жами - 37 балл.**

2) **Қўчқоров Муроджон Маматқулович** 1964 йил ёши 56, малумоти - 7 балл, иш стаж - 5 балл, мутахассислиги - 7 балл, бизнес режа - 10 балл, техника -7 балл, **жами - 36 балл.**

Юқоридагиларни эшитиб ва муҳокама қилиб туман танлов комиссияси йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман танлов комиссиясининг якуний натижалари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Танлов якунларига кўра Ғаниобод ММТП худуди ер харитасини № 800-802-803-835-контурлардаги жами 32,72 га шундан 31,20 га экин ер майдони, 1,14 га ариқ ва зовурлар, 0,38 га йўллардан, иборат ер майдонларида пахтачилик-ғаллачилик йўналишида ўтказилган туман танловда комиссиясининг якуний натижаларига асосан қуйидаги: фуқаро **Махмуджонов Зафаржон Тўхтасинович** танлов **ғолиби** деб топилсин.
3. Туман қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи (**Ф.Пахридинов**), туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси (**Ю.Иргашев**) ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри (**А.Ражабов**)ларга амалдаги тартибда танлов ғолиби деб топилган фуқароларга фермер хўжалигини юритиш учун зарур бўлган хужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.
4. Танлов комиссияси қарорини тасдиғини туман ҳокимидан сўралсин.

Юқоридагиларни тўғри деб:

Комиссия раиси

Ш.Эшонқулов

Комиссия ўринбосари

А.Ражабов

Комиссия котиби

Ф.Пахридинов

О.Воҳобов

А.Маликов

Ғ.Хамрақулов

Ю.Иргашев

О.Абдуллаев

И.Хамрақулов


А.Сулаймонов

И.Мелиев

З.Махмуджонов

Ўзбекистон тумани Ғаниобод ММТП ҳудуди ер харитасининг № 800-802-803-835-
контурдаги ер майдони харитасидан

КЎЧИРМА



КОНТУРЛАР ҚАЙДНОМАСИ

Кадастр агентлигининг туман
бўлими бошлиғи:

Бажарувчи: Э.Қодиров

№	Контур рақами	Умумий ер майдони га	экин майдони	Экин тури		
				Ариқ-зовур	йўллар	бошқа
1	800	4,4	4	0,33	0,074	
2	802	4,97	4,65	0,25	0,07	
3	803	7,97	7,68	0,22	0,07	
4	835	15,38	14,87	0,34	0,17	
жами		32,72	31,2	1,14	0,384	